10 598

ИСЛОМ КАРИМОВ УКРАИНАГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18—20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ УКРАИНА ЖАМОАТЧИЛИГИГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Узбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларга, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига дунё жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Сиёсат ва илм доираларида «Узбек модели» атамасининг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, йўлбошчимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби кўплаб хорижий давлатларда нашр этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

13 февраль куни Киев шаҳрида Украина Вазирлар Маҳкамасининг муҳташам қабуллар уйида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлди. Бу ерга республика раҳбарияти, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг намояндалари, депутатлар, сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар, ишбилармонлар, дипломатик корпус вакиллари, талабалар тўпланди.

Маросимни Узбекистон Республикасининг Украинадаги Муваккат ишлар вакили А. Аъзамхўжаев очди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Узбекистон Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов «Узбекистон XXI аср бусағасида...» китобининг яратилиш тарихи, замонамизнинг долзарб муаммоларига асар муаллифининг янгича, теран ва холисона ёндошувлари ҳақида гапирдилар.

Маросимда сўзга чиққан Украина Президенти маъмурияти бошлиғининг ўринбосари, Педагогика фанлари академияси президенти В. Кремень, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти бўлим мудири, юридик фанлар доктори Ю. Павленко, ҳуқуқий ва демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш фонди Президенти В. Якушик ҳар қандай ислоҳотларнинг замини бўлган жамиятда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, бозор муносабатларига тадрижий равишда, ижтимоий талотўп ва талофатларсиз ўтиш борасида Ўзбекистонда улкан назарий асос ҳамда амалий тажриба тўпланганини қайд этдилар. Ана шу тажриба, бутун инсониятни тўлқинлантираётган муаммо — хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шу асосда изчил тараққиёт йўлидан ҳаракатланиш масалалари Ислом Каримов китобининг асосий мундарижаси эканини таъкидладилар. Зеро, Узбекистон билан ишончли шериклик ва амалий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаётган, янги жамият барпо этаётган Украина жамоатчилиги учун ҳам бу асар ғоят қимматлидир.

Маросим қатнашчилари «Узбекистон тарихи ва замонавийлик» мавзуидаги фотокўргазма билан танишдилар. Унда ўзбек халқининг юксак маънавияти, миллий анъаналари, урф-одатлари, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва мумтоз меъморчилиги ҳақида ҳикоя қилувчи ранго-ранг суратлар намойиш этилмоқда.

Аҳмад ХЎЖА,
(ЎзА).

РАҲБАР ХОДИМЛАР ЎҚУВИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 10—13 февраль кунлари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари ҳамда вазирлик ва идоралар, уюшма ва холдинг компаниялари раҳбарларининг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари бўйича ўқув машғулотлари бўлди.

Машғулотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов кириш сўзи билан очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилганлиги машғулотларда алоҳида таъкидланди. Ҳозир бу борада жуда катта ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, фермер хўжалиги тараққиётига эътибор бериш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари мустаҳкамланмоқда. Машғулотларда ана шулар каби масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Машғулотларда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, В. Чжен, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи Г. Саидова, Президент Девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 14 февраль, шанба • № 20 (22.257).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Назорат инспекциясининг ҳудудий назорат инспекциялари раҳбарлари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва Президент Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари бажарилишининг назоратини таъминлаш бўйича 1997 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

* * *

Яқинда ғиждувонлик қулол Алишер Нарзуллаев олис Америкадан хушхабар олди: АҚШ Президентининг рафиқаси Ҳиллари Родэм Клинтон унга миннатдорлик мактуби йўллади. Хатда шундай жумлалар бор эди: «Сизга санъат даражасида сайқал бериб ясаган қулолчилик буюмларингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман. Улар менга қадимий ва гўзал Бухорога ташрифим чоғида ҳадя қилинган эсдалик совғаларнинг энг нафису нодири сифатида жуда қадрли ҳамда ҳамиша сизнинг серқуёш юртингизни эслатиб туради».

* * *

Куни кеча Канада пойтахти Оттава шаҳридан ҳам хушхабар олдик. Спорт фахрийлари ўртасида биринчи жаҳон ўйинлари, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларида олти кишидан иборат мамлакатимиз жамоаси улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Айниқса, Камолиддин Панахов бир йўла уч турда — штангани даст кўтариш, силтаб кўтариш ва тошлар жамламаси бўйича жаҳон рекордини ўрнатганлиги барчамизни қувонтирди.

* * *

Республика Давлат солиқ қўмитасида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида икки ёқлама солиқ олмаслик бўйича тузилган конвенцияларни имзолаш маросими бўлди.

Ҳужжатларни республика Давлат солиқ қўмитаси раиси В. Беганов ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Че Ёнг Ха имзоладилар.

* * *

Навоий вилоятида санитария, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш икки ойлиги эълон қилинди.

* * *

Республика хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Ўзбекистон — Дания дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Дания дўстлик жамиятининг низоми қабул қилинди. Унинг бошқарув органлари, ҳайъат аъзолари сайланди.

Атлас жилосидан кўзлар қамашар...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига бир йил тўляпти. Хўш, мазкур қонун журналистлар ва матбуот ходимлари фаолиятида қандай имкониятлар яратди? Қонун ҳаётимизга сингиб бормоқдами? Кенг газетхонлар оммасининг ахборот ташналигига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида меҳнат қилаётган матбуотчиларнинг ўзлари бу борада қийинчиликларга рўпара келмаяптиларми? Қандай таклиф-мулоҳазалар бор?

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Жамғармасининг навбатдаги йиғилиши ушбу долзарб масалаларга бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари қонуннинг ниҳоятда муҳимлиги ва зарурлигини таъкидлаган ҳолда у аста-секинлик билан бўлса-да, ахборот олишга имконият яратаётгани, ҳали бу борадаги ишлар янада кенг йўлга қўйилиши зарурлиги, жойлардаги айрим раҳбар ходимлар қонунда кўрсатилган талабларни секинлик билан эътироф этаётгани ҳақида сўз юритдилар.

Йиғилишда Жамғарма қошида ташкил этилган Миллий матбуот марказида журналистлар ва республика миқёсидаги раҳбарлар учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш ташаббуси маъқулланди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири матбуот хизмати раҳбари Абдумалик Қодиров йиғилиш қатнашчиларининг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Айни пайтда Ироқ теварагидаги воқеалар барчанинг диққат марказида бўлиб турибди. Кўпчилик давлатлар можарони музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори эканликларини билдиришмоқда. АҚШ конгрессида бўлиб ўтган мажлисда Ироққа қарши куч ишлатишни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги резолюцияга овоз бериш кечиктирилди. Бироқ, Пентагон вакилининг айтишига кўра, Форс кўрфазига АҚШнинг қўшимча жанговар самолётлари жўнатилди. Америка экспертларининг фикрича, Ироққа чекланган даражадаги ҳаво зарбаси бериш Саддам Ҳусайнга ҳеч қандай зарар етказмайди. Марказий разведка бошқармаси икки собиқ директорининг айтишига кўра, Ироққа қарши қилинадиган ҳаво ҳужуми натижасида Саддам Ҳусайн ҳукуматини ағдариб ташлашга эришилмайди. Айни пайтда БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа 5,2 миллиард долларлик нефть сотишга рухсат бериш ҳақидаги таклифни муҳокама қилмоқда.

* * *

Исроилда ҳозирги пайтда газга қарши ишлатиладиган ниқобларнинг нархи ошиб кетди. Улар Ироқ томонидан бўладиган бактериологик ҳужумдан хавфсирамоқдалар. Шу боис самолётлар ёрдамида Германия, Нидерландия, Швеция ва АҚШдан 450 мингдан зиёд ана шундай матоҳ келтирилди. Бундан ташқари АҚШдан антибиотиклар ва вакциналар сотиб олинмоқда. Демак, уруш талвасасида кўплаб ишбилармонлар каттагина маблағ ҳам ишлаб олишмоқчи.

* * *

Германия давлат канцлери Гельмут Колга Лондоннинг фахрий фуқароси унвони берилмоқчи. 18 февралга мўлжалланган тантанали маросимда Гельмут Колнинг Германияни бирлаштиришдаги ғайрат-шижоати ҳамда Европа интеграциясига куч-қувват сарфлаганлиги шарафланади. Ушбу тантаналарда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэйр ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

* * *

Япония Комбоджада бўлиб ўтадиган сайловларга 4 миллион доллар миқдорида ёрдам беришга қарор қилди.

* * *

Греция Албаниянинг собиқ президенти, 73 ёшли Рамиз Олияга Салоники касалхонасида юрагини жарроҳлик йўли билан даволаш учун ташриф қоғозини тақдим этди.

ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Фармон ва ижро

Маълумки, энг бой ресурсларга ва катта салоҳиятга эга давлат ҳам тўлақонли, тенг ҳуқуқли эркин ташқи иқтисодий алоқаларсиз натижаларга эришолмайди. Шу боисдан ҳам Президентимиз дунё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш борасида изчил сиёсат юргизмоқдалар. Нисбатан қисқа муддат мобайнида бошқа давлатлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди: мустақил мамлакатнинг қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Уларни янада такомиллаштириш устида муттасил иш олиб борилмоқда. Фақатгина ўтган 1997 йилнинг ўзида ушбу йўналишда Президентимизнинг бир қанча Фармонлари, Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди, аввал қабул қилинганларига ўзгартишлар киритилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланган хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларига олиб киришга кенг йўл очилмоқда, уларга маълум имтиёзлар берилмоқда. Мамлакатимизда чет эл компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда узоқ муддатли, ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатлари таркиб топмоқда. Шу боис хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бораётганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Эътиборли кўрсаткич: биргина 1997 йилда 1995 йилдагига нисбатан хорижий мамлакатлар инвестициялари ва кредитларининг 14 та ҳудудий бирлигидан 6 тасида чет эл сармоялари умуман ишлатилмаган бўлса, ўтган йили барча минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокида лойиҳалар амалга оширилди. 1998 йилги инвестиция дастурида чет эл кредитлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳажмининг кескин ошиши кутилмоқда.

Чет эл инвестиция ва кредитларини республикамизга оқиб киришининг энг асосий омили мамлакатимиз минерал хом ашёларга бойлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қулай шароит мавжудлиги, етарли даражада меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳияти, юртимизда осойишта вазиятнинг барқарорлиги туфайлидир. Бизда барча хорижий инвесторлар учун МДҲ давлатлари орасида энг қулай ва имтиёзли шароит вужудга келтирилган.

Лекин амалдаги қонун, Фармон ва қарорларнинг бажарилишидаги баъзи камчиликлар, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқлашдаги расмиятчиликлар, бошқа субъектив омиллар хорижий инвестиция ва кредитларининг янада кенгайишига, қўшма лойиҳаларни тезроқ амалга оширишга халақит бермоқда. Баъзан устувор инвестиция сиёсатимизга тўлиқ мос тушмайдиган лойиҳаларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Чет эл инвестицияларига янада қулай шароит яратиш, баъзи бир камчилик ва муаммоларга барҳам беришда куни кеча республика Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Унда хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳаларни давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги таъкидланиб, унинг мониторинги давлат томонидан олиб борилишига алоҳида урғу берилган. Ушбу ҳужжат қўшма лойиҳаларни амалга оширишда, чет эл сармояларидан самарали фойдаланишда, экспорт салоҳиятимизни ошириш, мавжуд бой табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларидан, қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан унумли фойдаланиш, инфратузилма тизимини ривожлантиришга қаратилган.

Фармоннинг иккинчи бандида, 1997 йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамаси таркибида янги ташкил қилинган Инвестиция дастурлари департаменти давлат инвестиция сиёсатини амалга оширадиган ягона ваколатли ва масъул органлиги, унинг қарорларини бажариш инвестиция жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий эканлиги алоҳида таъкидланган. Ушбу департаментга хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш устидан мониторинг ташкил этиш вазифаси юклатилган. Унинг асосий йўналишлари қилиб эса, инвестиция лойиҳаларини тез ва сифатли амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ғовларни аниқлаш ва бартараф қилиш, қулай инвестиция муҳитининг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, расмиятчилик тўсиқларини бартараф қилиш йўлларини аниқлаш белгиланган.

Айрим ҳолларда мутасадди вазирликлар ва ташкилотларнинг баъзи ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараши, давлатимизнинг ташқи иқтисодий ва инвестиция сиёсати туб моҳиятини тўлиқ англаб етмасликлари туфайли муҳим лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш чўзилиб кетмоқда. Бундай салбий ҳолатлар хорижий давлатларда ташқи иқтисодий сиёсатимизнинг туб моҳияти тўғрисида нотўғри тасаввур туғдириши мумкин. Бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида Фармоннинг бешинчи бандида Макроиқтисодиёт ва статистика, Ташқи иқтисодий алоқалар, Молия вазирликларида ва ваколатли банкларда ҳукумат кафолати остида кредитларни жалб қилган ҳолда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳужжатларини тақдим этилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида кўриб чиқиш тартиби ўрнатилиши белгилаб қўйилган. Лойиҳаларни кўриб чиқиш жараёнида белгиланган тартиб ва муддатларнинг бузилиши ҳолларида вазирликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари алоҳида таъкидланган.

Бизнинг фикримизча, Фармоннинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ишини, энг аввало, хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган лойиҳаларни вазирликлар, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлил этишдан бошлаш керак. Чунки шу пайтгача лойиҳаларга комплекс баҳо берадиган орган бўлмаганлиги сабабли чет эл сармоялари иштирокида қурилган корхоналарни тармоқлар ва ҳудудлар бўйича баробар тарқалишида айрим номутаносибликларга йўл қўйилди. Ана шу номутаносибликларни таҳлил қилиш, вазирликлар ва идораларда, тармоқлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг инвестиция дастурларини шакллантириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурлари департаментига юклатилган.

Агар чет эл инвестициялари ва кредитларини минтақалар бўйича 1995—1997 йилларда тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак, энг катта ҳажмдаги инвестиция лойиҳалари Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Айнан ушбу минтақаларга республика саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асосий қисми ва энг юқори ўсиш суръатлари тўғри келади. Энг кам миқдорда хорижий сармоялар Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига жалб қилинган. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг энг кам сони ҳам ушбу минтақалардадир.

Янги инвестицион лойиҳаларни танлашда юқоридаги номутаносибликларни инобатга олиш зарур. Саноат жиҳатдан суст ривожланган ҳудудларда кўпроқ ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом ашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар, кўпроқ экспортбоп моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар ташкил қилиш лозим. Шу йўл орқали нисбатан кам тараққий этган ҳудудларнинг экспорт потенциалини оширишимиз мумкин. Шу маънода хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни танлаб олиш ва жойлаштиришда Фармонда кўрсатилган мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар юқорида кўрсатилган ҳудудий ва тармоқлар номувофиқликларига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Мазкур Фармон хорижий сармояларни мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларига жалб этишга янада кенг йўл очиб беради ва табиий-иқтисодий, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Авазхон СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди.
Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ...

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам берувчи инфратузилмани вужудга келтириш борасида Вобкент туманида муайян ишлар амалга оширилябти. Шу боис 1997 йилда вилоятда ягона шу тумангина давлатга пахта сотиш режасини бажарди: 38 минг тонналик хирмон яратилди. Деярли барча хўжаликлар йилни самарали якунладилар. Режадагидан кўпроқ, яъни 18210 тонна галла етиштирилиб, шундан 11097 тоннаси давлатга сотилди. Бошқа маҳсулотлар ҳам сезиларли даражада кўпайди. Хўш, вобкентликларнинг бундай тараққиёт сари яхши одимлай бошлаганлигининг сабаби нимада?

— Энг аввало, — деди туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Муҳиддин Эсанов, — бизда қадрлар масаласи яхши ҳал этилган. Ҳамжиҳатлик қарор топган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бунга биргина ҳокимлик тизими орқали эришиб бўладими? Йўқ, албатта. Бизга бу ишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши энг яқин кўмақдош. Фаолиятимизда аҳиллик ва мақсад муштарак. Бир сўз билан айтсам, ўртада бегона йўқ: сеники, меники демаймиз.

ЎзХДП туман кенгашининг биринчи котиби Садриддин Ҳамроев ўз тақдирини партия билан боғлаганига ҳам анча йил бўлди. Шу боис туманни беш бармоқдек билади. Партия аъзоларининг деярли ҳаммаси унга таниш. Якка деҳқон (фермер) хўжаликлари, пилларчилар номлари унга ёд бўлиб кетган. Ҳар мавсумда у кирмаган хонадон қолмайди, ҳаммага ҳурматда.

Биринчи котиб доимо дангал гапиради. 16 та жамоа хўжалигидаги бошланғич партия ташкилоти котиблари билан ишлаш қийин кечган эмас унга. Раҳбарларни, ўрта бўғин кадрларини тайинлашда унинг фикри албатта инобатга олинади? Кези келганда уларни ҳимоя ҳам қилади. Рўзи Мажидов, Нормурод Нарзуллаев, Намоз Мирсаидов, Ҳомид Муҳидов сингари партия ташкилоти котиблари, Абдулла Мажидов, Салим Тоҳиров, Қудрат Темиров сингари фахрийларсиз уларнинг маслаҳатисиз иш қилмаслиги элга қўлдош, юртга йўлдош бўлишига олиб келди.

Партия ҳаёти

— Котибларимиз орасида Садриддин Ҳамроев алоҳида ажралиб туради, — дейди ЎзХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби Салим Болтаев, — чунки у ўз ишини севади. Биргина мисол: 1998 йил учун обуна мавсумида унинг жонбозлиги туфайли вобкентликлардан 300 нафари йиллик «Ўзбекистон овози»га ёзилишди. «Маънавият ва маърифат» марказларини ташкил этиш, партия сафларини кенгайтиришга-ку ҳамиша жонкуяр. Қанийди, ҳамма котиблар шу кишидек ишласа!

Ҳа, ишлаганга имкон кенг. Котибнинг амалий ёрдами туфайли «Пахтакор», Ином Наимов номли жамоа хўжалиги, марказий шифохона, маданият бўлимларида ташкил этилган маърифат марказлари ҳақиқий тарғибот ўчоғига айланди. ХДПдан вилоят, туман кенгашларига сайланган депутатлар фаолияти, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, аҳолини газ, ичимлик сув билан таъминлашни жадаллаштириш... Эҳ-е, қанчадан-қанча юмушлар бор...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Менда таклиф бор

ЯХШИ НОМ ЖОЙНИНГ КЎРКИ

Хўжайли туманидаги собиқ «Райзо» колхозида, ҳозирги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжалигида туғилганман. Ҳозир 92 ёшдаман. Баҳоли қудрат меҳнат билан шуғулланаман. Хўжалигимизнинг иқтисодий аҳволи яхши. Ношукрлик бўлмасин, аммо озгина дилхира тортарли томониям бор-да. Айтмасам кўнглим тинчимайди.

Мана, биз яшаётган овул «Саришунгил» деб номланади. Азалдан бу ерларда «Дўнгизли», «Қирққизли», «Жанқўнғирод», «Қоракўл», «Тошлиёб», «Сафич» уруғлари яшаган. Лекин «Саришунгил» нима дегани? Юртимизга нима алоқаси бор бу номнинг? Очиғи, ҳеч ким аниқ бир жавоб айтолмайди.

Янги фуқаролик паспортини олган ёшлар бу номни ўқиб «Бу нима дегани?» дея биз қариялардан сўрашади. Ўйланиб қолади киши. Номлашда овул фуқаролар йиғини, қариялар, кўпчилик билан бамаслаҳат иш кўрилса, номлар бундай «осмон»дан тушмасмиди?

Биз овулдошларнинг истагимиз, юртимизнинг номи «Тошлиёб» ёки «Дўстлик» деб ўзгартирилса. Ёшларда аждодларимиз яшаб ўтган гўшага нисбатан фахр туйғуси янада ошган бўлур эдида.

Избости ота ОРАЗОВ.
Хўжайли тумани.

Хатлар, хатлар, хатлар

БОЗОР – ШАРОИТИ БИЛАН-ДА

Денов шаҳри биргина вилоятимизда эмас, балки республикамизда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ерга вилоятлардан, қўшни республикалардан деҳқонлар, тижоратчилар ташриф буюришади. Шунданми, Денов «Бободеҳқон» бозори кун сайин одамлар билан гавжум бўлиб бораётир. Бозор ҳудуди эса 3,7 гектар майдонга кенгайтирилди.

Лекин гап бу ҳақда эмас. Бозорда деҳқонлар учун шароитлар яхши эмаслиги ҳаммага аён. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган расталар талаб даражасида эмас. Кўп жойларни тижорат дўконлари эгаллаб олган. Деҳқонлар ўз маҳсулотларини эркин сотишга шароит йўқлигидан нолимоқда. Улар учун махсус жойлар ажратиб берилмаган. Маҳсулотларни сотиш учун етарли миқдордаги тарозилар йўқ. Паттачилар эса қўполлик билан муомала қилишади. Маҳсулот турига қараб махсус жойлар ташкил қилинмаган.

Хўш, деҳқон учун шароитни ким яратиб беради?

Ўрол БЕКМУРОДОВ.
Сурхондарё вилояти.

ҚАЧОНГАЧА САБР ТАГИ РАҲМОН?

Аслида Сизларга мактуб йўллаб овора қилмасак ҳам бўларди. Чунки, жойларга кўп ва хўп ёзганмиз. Боиси, биз Яккабоғ туманининг «Ҳисор» жамоа ширкат хўжалиги теграсидаги Кўкжар қишлоғида яшаймиз. Гоҳида бизнинг қишлоқ бегонами, деган хаёлга ҳам борамиз. Нега десангиз, бундан саккиз йил аввал радионинг «Қармоқ» эшиттиришига хат йўллаган эдик. Ўшанда бу қишлоққа ойнаи жаҳон кўрсатувларини келтириш 1992 йил режасига киритилган, деган жавоб олганмиз. Тўғри, сабр таги — раҳмон дейишади. Ахир қачонгача? 1998 йил ҳам бошланди-ку?! Ҳарқалай, чиқмаган жондан умид, деганларидек Оила йили муносабати билан дардимизни Сизларга айтишга мажбур бўлдик. Зора, ниятларимиз мустажоб бўлса.

Шерали АЛИМАРДОНОВ.
Қашқадарё вилояти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу йил Ислом оламини ўз тариқати билан бойитган, халқлар тафаккурини чақмоқдек ёритган буюк ҳадисшунос олим Имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Айни пайтда бутун республикамизда қутлуғ санага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Улуғ алломанинг Челак туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган муқаддас зиёратгоҳда амалга оширилаётган

ДАҲБЕДДАГИ ЮМУШЛАР

ишлар диққатга сазовордир. Айниқса, «Самарқандавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг бу борадаги саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар айни пайтда Самарқанддан масжидга бориладиган йўлни биринчи тоифага ўтказиш учун чинакамига меҳнат қилишяпти. Оқдарё туманининг Даҳбед қўрғонидан ёдгорликкача бўлган йўналишда бажарилаётган юмушларни кўрган кишининг кўзи қувониши шубҳасиз.

СУРАТДА: (чапдан) «Самарқандавтойўл» бирлашмаси бош муҳандиси Аҳтам Маъдиев, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи Раҳмонберди Аҳрорқулов ва йўл фонди бўлими бошлиғи Фотима Ҳошимова бирлашма раиси Аҳмад Козимов билан олиб борилаётган ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.



Шу билан бурнингизни ишқайми?

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«УМИД» ВА «КАМОЛОТ» СОВРИНДОРЛАРИ

НУКУС. Ажиниёз номидаги давлат педагогика институтида амалга оширилаётган тадбирлар самарали қечмоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра филология факультетининг биринчи курс талабаси О. Юсупова «Умид» жамғармасининг совриндори сифатида АҚШнинг Коларадо университетида мененжмент ва маркетинг бўйича бакалаврлик унвони учун таълим оладиган бўлди. Геология факультетининг учинчи курс талабаси О.Сорибоева эса шу жамғарманинг стипендиясини олишга эришди. Шунингдек, математика ва информатика факультети иккинчи курс талабаси Ш. Мирзанова Улуғбек номидаги, филология факультети учинчи курс талабаси Х. Жуманиёзова «Камолот» жамғармасининг стипендияларига сазовор бўлишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРРОШ

Воҳиджон ишлайдиган бўлим мудири юқори ташкилотлардан бирига раҳбарлик лавозимига тайинланди. Бошқарма бошлиғи мудирлик вазифасини вақтинча бажариб туришни унга топширди. Мана, икки ойки, Воҳиджон ҳам ўзининг бўлим ходимлиги вазифасини, ҳам мудирлик ишларини бажариб келяпти. Шунинг учун кундалик ишлари тобора кўпайиб борарди. Устига-устак бўлим котибаси ҳам йўқ — уни собиқ бўлим мудири янги иш жойига олиб кетди. Ўрнига янгисини топиш осонмас — котиба рисоладагидек юриш-туришдан ташқари пишиқ-пухта, хатсаводли, чаққон, келди-кетди қоғозларини батартиб юрита оладиган, муомаласи, гап-сўзи жойида бўлиши керак.

... Воҳиджон соатига қаради — иш кунининг тугаганига икки соатдан ошибди. Уйга қайтиш учун тараддудланаётганида телефон жиринглади. Толиққани учун истар-истамас гўшакни кўтарди: «Ойим бўлсалар керак. Ҳар доимгидек хавотир оляптилар». Йўқ, адашганди — бошқарма бошлиғи экан:

— Воҳиджон, ҳали ҳам кетганингиз йўқми? Ҳа, ҳа, ишлаб чарчамайдиган пайтингиз-да. Буёғи бўйдоқчилик — уйда кутадиганингиз йўқ. А, лаббай? Тўйни тезлаштиринг, иним. Ўқиш бўлса ўқидингиз, бир эмас, иккита дипломлисиз: институтни тугатдингиз, олим ҳам бўлдингиз. Энди бўйдоқлар сафидан ўчиш вақтингиз келди. Хўш, энди мақсадга ўтайлик. Сизни аслида эртага ерталаб ҳузуримга чақирмоқчийдим. Қайтанга яхши бўлди, ҳозир айтиб қўя қоламан. Бугунги ишни эртага қўймаган маъқул. А, лаббай! Хўш, мана, анчадан буён бўлимни вақтинчалик бошқариб келяпсиз. Ишингиздан хурсандмиз. Энди ўша «вақтинчалик» сўзини олиб ташлаймиз. Қароримиз қатъий. Ерталаб бошқарма жамоаси билан таништирувга тайёр бўлинг.

***

Ишдан очиқиб келганига қарамай, Воҳиджон ойиси — Роҳила хола хонтахтага келтириб қўйган мошхўрдани иссиқ бўлмаса ҳам қошиқ билан қайта-қайта кавлар, хаёлида бошлиғининг ҳалигина айтган гаплари ғужғон ўйнарди. Онаизор ўғлининг паришонлигидан кўнгли безовта бўлиб, ишини тўхтатди:

— Ҳа, жон болам, ишингда бирор кўнгилсизлик бўлдими? Ё ерталабки гапларимга хафа бўлдингми? Мени ҳам тушун, жон болам. Аданг раҳматликдан қолган биттаю-битта ёдгорим сен. Охирги армоним — кўзим очиқлигида сени уйлантирсам, неварагиналаримни опичлаб кўтарсам, тўйиб-тўйиб ҳидлаб бағримга боссам дейман ...

Воҳиджон хушхўр мошхўрдадан кейин қайноқ чойдан бир пиёла ичди-да оғзини пойлаб, зимдан мўлтираб қараб қўяётган ойисининг ёнига яқинроқ сурилди:

— Безовта бўлманг, ойижон, тинчлик, ҳеч нарса бўлгани йўқ, соппа-соғман. Ишлаётган бўлимимга мени раҳбар қилиб тайинлашмоқчи, менга эса маъқул бўлмай турибди. Бор гап шу.

— Вой, болажоним-ей, шуни келганингданоқ айтақолмайсанми? Хурсанд бўлиш ўрнига хаёл суришинг нимаси? Катталарингни гапини икки қилма, болам. Маъқул топишибдими — йўқ дема. Мен ҳозир исириқ солиб юбораман.

***

Бошқарма бошлиғининг айтгани бўлди — Воҳиджон мудирликка тайинланди. Энди у бошлиқ қабулида тез-тез бўлиб турарди. Навбатдаги қабуллардан бирида бошлиқ расмий топшириқлардан сўнг қўшимча қилди:

— Воҳиджон, билишимча, ҳозир бўлимингизда котибалик ўрни бўш. Агар шу ўринга ўзингизда бирорта мўлжал бўлмаса менда битта номзод бор. Шу десангиз, қўшнимизнинг институтда сиртдан ўқиётган қизи бор. Отаонаси анчадан буён қизимизни бирорта ишга жойлаштиришга ёрдам берсангиз, деб юришибди. Кеннойингизнинг айтишига қараганда, қизнинг ақли-ҳуши ҳам, юриш-туриши ҳам жойида.

Бошлиқнинг гапини ерда қолдирмади. Эртасига ерталаб — унинг иш кабинетида бошлиқ таъриф-тавсиф қилган номзод — Мунисхон пайдо бўлди. Шу пайтгача унча-мунча қизни назар-писанд қилмай келган Воҳиджоннинг бу қизга тан бермай иложи қолмади. Расмиятчилик бўйича қисқагина танишувдан сўнг Мунисхон котибалик фаолиятини синов муддати билан бошлаб юборди.

***

Табиатан вазмин, сермулоҳаза Воҳиджон камхарж оилада отасиз, ёлғиз ўсганлигининг таъсирими — турли, сершовқин ўйин-кулгуларни, тўкин-сочин зиёфатларни унчалик хуш кўрмасди. Мактабда ҳам, институтда ҳам иложи борича ўзига ўхшаб оддийгина кийинган, фақат ўқишни ўйлайдиган йигит-қизлар билан бирга бўларди. Шу сабаб сара тақинчоқлар билан безанган, кийинишлари ҳам башанг Мунисхон дастлаб, унга унчалик маъқул бўлмади. Лекин вақт ўтган сайин янги котиба тўғрисидаги салбий фикрлари астасекин тарқала бошлади: Мунисхон синов муддатини бенуқсон ўтади, у зиммасидаги барча юмушларни бекаму-кўст бажарарди. Бора-бора Воҳиджоннинг кўнглида унга нисбатан ёқимли бир туйғу ниш ура бошлади. Бироқ, у ўзини қўлга олди. Котиба билан ҳамма қатори, расмиятчилик билан муносабатда бўлишга, ўзига нисбатан меҳрибонликларига бефарқ бўлишга ҳаракат қилди...

***

Хорижда бўлган бир ойлик хизмат сафари Воҳиджонга негадир бир йилдек туюлди. Айниқса, ойиси тез-тез тушига кириб безовталиги кучаярди.

Ўғлини ҳар доимгидек очиқ чеҳра билан қаршилаган Роҳила хола бу гал бир оз кўз ёши қилиб ҳам олди. Воҳиджон ойисининг, тузукман, дейишига қарамай, ранг-рўйи бироз синиққанини дарҳол пайқади. Роҳила хола уни тинчлантирди:

— Ҳа, болам, бироз тобим қочиб, ўн кунча ётиб қолдим. Ишларинг чала қолмасин деб, сенга хабар бердирмадим. Умридан барака топсин, ишхонангдаги ўртоғинг Валижон хабар олиб турди, дори-дармонлар, егуликлар келтириб берди. Рўйхуш бермасам ҳам ишхонангдаги фаррошлардан биттасини олиб келиб, ҳаммаёқни саранжом-саришта қилдирди. Илоё, бахтини берсин, оёқ-қўли чаққонгина қиз экан — кейин ҳам ўзи уч-тўрт марта келиб кир-чирларимни ювиб берди, уйларни супуриб-сидирди. Айниқса, пазандалигини айтмайсанми — пиширган таомларини еб касалим ҳам қочиб кетди. Ўзим ҳам унга ўрганиб қолиб, ҳар гал келишини орзиқиб кутадиган бўлиб қолдим. Гаплари ҳам маъноли, боадаб, камтар, камсуқумгина экан. Қизим десангиз бўлди, деб негадир отини ҳам айтмади. Кейинги келганларимни ҳеч ким билмай қўяқолсин, деб қайта-қайта илтимос қилди. Қани энди шундай қиз келиним бўлса...

Роҳила хола оғзидан бол томиб, фаррош қизни узоқ мақтади.

***

Хизмат сафари ҳисоботини тезроқ тайёрлаб топшириш мақсадида Воҳиджон ишхонасига одатдагидан анча вақтлироқ келди. Одати бўйича ходимлар ишга келишидан олдин хоналарни кўздан кечириб юрган хўжалик ишлари мудири Валижонга дуч келди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Ойисидан хабар олиб тургани учун унга миннатдорчилик билдирди:

— Лекин, дўстим, фаррошни юбориб чакки қилибсиз — ортиқча гап-сўз бўлиши мумкин...

— Ие, қанақа фаррош? Ўзингизнинг котибангиз Мунисхонни бир марта олиб бориб, супурсидир ишларига қарашиб қайтишини илтимос қилдим. Ҳар ҳолда аёл кишилар — бир-бирини яхшироқ тушунишади деб ўйладим.

Турмуш сўқмоқларида

Воҳиджон ҳеч нарсага тушунолмай боши қотди: «Қизиқ, ундай бўлса котибадан кейин уйига бориб турган фаррош қиз ким бўлди экан?..» У кабинети йўлагида ахлат челаги, супургиларни кўриб фаррош ҳали супур-сидирини тугатиб улгурмаганини англади. Кабинетидан зарур қоғозларни олиб йиғиштириб бўлинган хоналар-дан бирортасида ишлаб туришга қарор қилди. Воҳиджон кабинетига кирганида кўк халат кийган, эскигина рўмолни оғзи-бурни аралаш ўраб олган фаррош латта билан пол артишда давом этарди. У керакли қоғозларни олиб хонадан чиқмоқчи бўлаётганда фаррош рўмолини ечиб, Воҳиджонга салом берди:

— Зиёратлар қабул бўлсин, Воҳиджон ака, яхши бориб келдингизми? Йиғиштириб бўлдим, марҳамат, жойингизни эгаллашингиз мумкин.

— Ие, Мунисхон, ўзи нима гап?

— Бир ҳафтача бўлди — хонангизни супуриб-сидирадиган фаррош холамиз бетоб бўлиб қолибдилар. Вақтлироқ келиб йўқликларини билдирмай турибман.

Воҳиджон узоқ уйқудан чўчиб уйғонган одамдек бир зум карахт бўлиб қолди: «Тавба, наҳотки шу чоққача «оқбилак ойимчалардан» деб юрганим шу қиз бўлса? Дарвоқе, ойимга ўзини фаррош деб таништирган ҳам Мунисхон эмасмикин?..» Хаёлини қабулхонани тартибга келтираётган Мунисхоннинг овози бўлди:

— Ойингиз тузалиб кетдиларми, Воҳиджон ака, сафардалигингизда бетоб бўлиб қолган эканлар.

— Ҳа, шукр, тузуклар. Валижон билан бирга хабар олган экансизлар, раҳмат. Айниқса, ойимлар сизлардан кейин бориб ёрдам бериб турган фаррош қизимиздан беҳад миннатдорлар. Мунисхон, ўша қиз ким эканини билмайсизми? Миннатдорчилик билдирмоқчи эдим...

— Воҳиджон ака, миннатдорчилигингиз қабул қилинди, деб ҳисоблайверинг.

Воҳиджон чигал ўй-хаёлларининг кутилмаган бундай ечимидан ғалати ҳолга тушиб, бир муддат гангиб қолди. Қарийб бир йилдан буён Мунисхоннинг барча хатти-ҳаракатларини сунъийликка йўйиб келганидан қаттиқ изтиробга тушди. Айқаш-уйқаш бўлиб кетган хаёлларини бир амаллаб жиловлаб олди-да, ўрнидан даст туриб, қабулхонага чиқди. Столи устидаги буюмларни ҳафсала билан тозалаётган Мунисхонга ҳам хижолат, ҳам меҳр билан бир зум термулиб турди, дилидаги қатъий қарорини тилга чиқарди:

— Мунисхон, ойимлар ўша фаррош қизнинг доимо ёнларида бўлишини хоҳлаяптилар. Ойимнинг хоҳиши эса мен учун қонун. Сиз нима дейсиз?

Мунисхон жавоб ўрнига ажиб бир ҳаё билан маъсумона боқди-да, фаррошлик анжомларини кўтариб ташқарига йўналди. Воҳиджон ойисини суюнтиришга ошиқиб, телефон гўшагини кўтарди...

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

1 2 3 4

(Давоми. Боши 2-, 3- бетларда).

14.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
15.25 Спорт қитъаси.
15.55 «Эгиз қўшиқлар».
16.15 Спорт қитъаси.
16.45 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.35 Киноконцерт.
17.50 «Ёрилтош».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Театр ва ТВ».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Жозиба».
22.05 «Даракчи».
22.15 Спорт қитъаси.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Бэлла Мафия» фильмида итальянча мафия.
02.30—02.35 Тунингиз хайрли, бўлсин!

ЎзТВ III

19.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 19.05 — 23.50

*

«Бузғунчи» жангари фильмида.
23.50 «Биринчи канал коллекцияси». Жек Николсон ва Мэрил Стрип «Тўс-тўполон» фильмида.

РДТ

7.00 Қишки Олимпиада ўйинларида. Тоғ чанғиси. Коньки.
8.30 «Деҳқон тонги».
8.55 «Россия йўлларида».
9.10 «Мак ва Матли». Телесериал.
9.35 «Кузяга қўнғироқ қилинг». Болалар интерактив ўйини.
10.05 «Хайрли тонг, юртим!».
10.50, 16.15 «РДТ почтаси».
11.20 «Ҳамманинг оғзида». Наталья Дарьялова дастури.
11.50 «Одамлар ва пуллар».
12.20 «Бу жиддий эмас». Игорь Угольников пародиялари.
14.00, 20.00 — «Вести».
14.20 «Федерация».
15.20 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
16.25 «Русча жанг».
17.25 «Менинг оилам».
18.25 «Мутлақо махфий».
19.20 «Олимпиада курьери».
20.40 «Аншлаг ва Ко».
21.45 «К-2» таништиради.
22.45 Қишки Олимпиада ўйинларида. Шорт-трек.

ТВ-6

9.05 «Диск-канал».
9.50, 11.35 — Мультфильмлар.
10.25, 21.05 — «Йўл назорати».
10.40, 16.45 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
11.00, 14.00, 17.00, 02.55 — «ТСН-6».

(16— 22 февраль) ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ТЕЛЕ ДАСТУРИ

23.50 Эълонлар.
23.55—00.05 «Болакайлар орзуси». Телефильм.

ЎзТВ IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Биргаликда қуйлайлик».
11.25 «Шанба эртаги».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевилениеси.

*

18.45 «Мультфильм».
19.00, 22.05 — Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Далил ва шарҳ.
20.15 Авторейд.
20.25 «Рақслар қанотида».
20.50 «Ассалом, Франция!».
21.15 «Чинсэн».
21.45 «Хит-коллекция».
22.10 «Киносалон».
23.50 «Бу ажиб дунё».
00.05 Спорт-марказ.
00.50—01.00 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.25 «Карапуз ТВ».
10.00 «Самонинг кашф этилиши».
11.00 «Брюс Лазер» таништиради: «Салом, ахмоқлар!» Комедия.
12.45 «Бизнинг устозимиз доктор Шпехт». Ўсмирлар учун сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анджелес қонуни». Детектив сериал.
15.30 «Барабанчининг тақдири».
17.00 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Алфред Хичкок намойиш этади». Телесериал.

*

20.40 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал. (АҚШ).
22.10 «Иккиовлон». Телесериал.
23.05 «Юлдузли ёмғир». Мусиқий дастур.
23.30 «Видеомода».

Ярим тундан сўнг «30-канал»да:

24.00 «Беринг ва унинг дўстлари ҳақида қисса». Тарихий бадиий фильм.

РЖТ

7.40 XVIII қишки Олимпиада ўйинлари. Хоккей. 1/2-финал. Наганодан кўрсатилади. Фигурали учиш. Хотин-қизлар. Эркин дастур.
9.40 «Лотто-миллион».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00, 11.35, 18.35 — Янгиликлар.
10.10 «Хонаки кутубхона».
10.30 «Мусиқий почта».
11.00 XVIII қишки Олимпиада ўйинлари. Биатлон. 4х7,5 км эстафетаси. Эркаклар. Наганодан кўрсатилади. Тоғ чанғиси. Слалом. Эркаклар. Наганодан кўрсатилади.
13.50 «Смак».
14.10 «Бир нодир асар тарихи».
14.55 XVIII қишки Олимпиада ўйинлари. Хоккей. 3-4-ўринлар учун матч. Наганодан кўрсатилади.
16.55 Мультфильм.
17.20 «Бу кандай содир бўлганди?». «Ваня Солнцев — полк ўғли».
18.25 «Фруттис чердаги».
19.05 Комиссар Каттани «Спрут-3» сериалида. 7-серия (якунловчи).
20.10 «Жентльмен-шоу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 Жаҳон киноси. Сильвестр Сталлоне

11.10 «Рекордларга қасдма-қасд!». Кувноқ кўрсатуви.
12.10 Болалар сеанси. «Олти айиқ ва масхарабоз Цибулка» (Чехия, Словакия).
13.35, 02.30 — «Сифат белгиси».
13.45 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.10 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
15.15 «Кинескоп».
16.20 «XX аср буюк сирлари ва афсоналари».
17.10 «Мен ўзим» ток-шоуси.
18.10 Дам олиш куни сериали. «Сирли орол». 30, 31-сериялар.
19.05 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида: Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган» дастур.
19.35 «ТВ-6» ҳудуди. А. Политковский дастури.
20.05 «Любэ», «Комбат» гуруҳларининг концерти.
21.20 «Ҳафта можаролари».
21.50 «Фитиль» ҳажвий киножурнали.
22.05 «ТВ-6» кинотеатри. Боло Янг «Қўрқмас йўлбарс» фильмида.
24.00 «О.С.П-студия».
00.50 «Сиз — шоҳидсиз».
01.25 Александр Малинин концерти.
03.55 Тунги сеанс. «Қондошлик риштаси» (АҚШ).

НТВ

10.00 Тонгги сеанс. Валентина Серова Константин Юдиннинг «Қайсар қиз» комедиясида.
11.25 «Тоғлик». Болалар учун мультсериал. 25-серия.
12.00 «Бугун эрталаб».
12.10 Криминал. «Чин дилдан иқрор бўлиш».
12.30 «Мени тушун» телеўйини.
13.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Гераклнинг ғаройиб саргузаштлари». 34-серия.
13.45 «Винт»дан бошлаб...
14.00, 18.00 — «Бугун кундузи».
14.15 «Олтин граммофон». НТВ ва «Русское радио»нинг биргаликдаги мусиқавий кўрсатуви.
14.30 Бизнинг янги кино. Александр Збруев, Анатолий Ромашин, Светлана Рябова ва Борис Химичев Виктор Георгиевнингг «Севги истаги» фильмида.
16.35 «Маски-шоу».
17.30 «Ўз ўйини».
18.15 Дам олиш куни сериали. «Нью-Йорк, Марказий хиёбон». 10-серия.
19.10 «НТВ» каналида премьера. «Президентнинг барча аёллари». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Мен ва итим» дог-шоуси.
20.30 «Шу куннинг қаҳрамони галстуксиз».
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомида».
21.40 Кино олами. Рутгер Хауэр, Мими Роджерс ва Джоан Чен Льюис Тигнинг «Ўлим билан боғланиш» жангари фильмида.
23.45 «Қўғирчоқлар».
00.45 «Намедни-71».
01.30 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
01.45 «Олимпиада соати». Бизникилар — Наганода.
02.55 «Ўша ҳақда». Ток-шоу.

ЯКШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бобур изидан». Видеофильм 6-қисм.
11.20 «Ҳаёт рисоласи».
11.50 «Кувноқ стартлар». Телеўйин.
12.30 «Қуйла, ёшлигим». Эстрада концерти.
12.50 «Ўйла, изла, топ!». Телебеллашув.
13.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
14.20—15.20 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Учинчи эҳтимол».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида».
21.40 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси 7-қисм.
22.00 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Спорт. Спорт. Спорт».

«Аср мўъжизаси» кинодастури:

23.15 «Кино янгиликлари».
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.50—01.00 «Бу ҳам кино». Сериал.

ЎзТВ II

9.00 «У ким? Бу нима?».
9.15 «Кичкинтой экрани».
9.30 «Жозиба».
9.45 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Театр ва ТВ».
11.10 «Дилнавоз садолар».
11.20 «Сирли жиноятлар». Телесериал (Англия).
12.00 Спорт қитъаси.
12.30 Болалар экрани. «Оқ қиз».
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.15 «Нафосат».
16.25 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.10 Мультипанорама.
17.40 «Келгуси ҳафтада».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25, 19.55 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Изҳор».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.40 Келгуси ҳафтада.
23.00 Якшанба кинозали.
00.40—00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III

18.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 19.00 — 00.05

*

00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 Якшанба эртаги.
11.35 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс. «Қоя». Бадиий фильм.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультфильм».
19.00, 22.0 5— Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 Бугунги кун мавзуси.
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.45 Клип-антракт.
20.55 Иштирок этувчилар.
21.15 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.45 Мусиқий Олимп.
22.10 Киносалон. «Соммерсби». Бадиий фильм. Бош ролда Ричард Гир ва Жоди Фостер.
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз ТВ».
10.00 «Самонинг кашф этилиши».
11.00 «Брюс Лазер» таништиради: «Фирибгарлик, мусиқа, муҳаббат». Комедия.
12.45 «Бизнинг устозимиз доктор Шпехт». Ўсмирлар учун сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анджелес» қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Брюс Лазер» таништиради: «Авария». Ўткир сюжетли фильм.
16.35 «Хит-коктейль».
17.00 А.Назаровнинг тиббиёт маркази.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье». Детектив сериал. (АҚШ).
23.05 «XL-music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт кўрсатуви.

Ярим тундан сўнг «30-канал»да:

24.00 «Нада». Криминал драма.

РЖТ

8.00 «Аквалонглар сув остида». Саргузашт фильм.
9.25 «Дисней-клуб»: «Ўрдак воқеалари».
9.55 «Спортлото».
10.00, 15.00, 01.45 — Янгиликлар.
10.09 Мультфильм.
10.15 «Дм. Криловнинг йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
00.50 «Бегона халқ». Сериал. 10-серия.
01.40 Николай Фоменконинг «Эҳтиросларсалтанати» шоуси.
03.25 Кино олами. Антонио Бандерас ва Ассумпта Серна Педро Альмодоварнинг «Матадор» триллерида.

ШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Бобур изидан». Видеофильм 5-қисм.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

9.20 «Йигит омон бўлса».
9.40 «Талабалар саҳнасида».
*
10.20 «Шоҳрух» клуби.
10.40 «Зиёрат».
10.50 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
11.20 «Дилдаги гаплар». Баҳодир Йўлдошев.
12.05 «Менинг маҳаллам».
12.25 «Цирк. Цирк. Цирк».
12.55 «Санъат олами».
13.15—14.25 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.15 «Орзуларим дунёча бор». Олимжон Орифжонов.
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 6-қисм.
21.45 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
22.50 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.00 «Олқишлар, олқишлар, олқишлар». 2-кўрсатув.
23.20—00.50 «Марсия». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ II

9.00 «Бор экан-да йўқ экан...».
9.20 «Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Тақдим».
11.00 «Дил дафтари».
11.10 «Туйғуларим».
11.15 «Таурас қуч тўпламоқда». Телесериал.
12.05 «Ривоят».
12.20 «Ғазал соғинчи».
12.40 Бокс. Бокс. Бокс.
13.00 «Сирли жиноятлар». Телесериал.
13.50 «Сир».
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мутойиба».

(Давоми 4- бетда).

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР таваллудининг 515 йиллигига

«ЎЗ ЕРНИ ҚЎЙИБ, ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИМ...»

Ўзбек рубоиётида Бобур сарбаланд мақомни эгаллайди. Бундай даъвонинг далолати учун бир неча омилни кўрсатиш мумкин: авваламбор, буюк жаҳонгир султон, назири йўқ воқеанавис — муаррих ва мутафаккир, бағоят хушгаъб ва жаҳонгашта шоир рубоиёти не-не талотумли воқеа-ҳодисалар, мисли-сиз ташвиш — саргонликлар, турфа мушкулотлар билан чирмалган ҳаёт ва қисмат йўлининг гоҳи файзу сафоли, гоҳи озору ситамларга тўла манзиллари билан бевосита ва бавосита боғланади, зоҳиран айни қизғин, суронли дунёвий воқеликни, ботин юзасидан илоҳий моҳият — ҳақиқатни ўзида мужассам этади: сўнгра, не ажабки, мумтоз шеъриятимиз анъаналарида, эҳтимол, маълум қонуният тақозоси-ла кенг тус олмаган ватан мавзуи, давр, ҳаёт, умр сабоқлари каби ижтимоий масала Бобур рубоийларининг бамисоли жон риштаси, юрак томири сифатида бўртиб, ажралиб туради. Ниҳоят, арузнинг махсус баҳрига мансуб бу қуйма тўртликлар Бобур инкишоф этган бадиият буржлари — маънавий ва лафзий санъат намуналари: гоҳ зарифу нафис истиоралар, бири биридан рангин, бетакрор рамзу тимсоллар, гоҳ халқона содда, равон нуктадонликлар усулида юксак санъат усул воситалари-ла «тараш-ланган» (Чулпон).

Толеъ йўқи жонимга
балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим —
хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд
сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз
қаролиг бўлди!...

Бу машҳур рубоийнинг нафақат пурдард мисралари, балки истисносиз ҳар бир ташбеҳ — сўзида улуғ улуспарвар шоир, адолат ва шижоатда тенгсиз султон — соҳибқирон, тарихий тақдирнинг тамоми зиддиятлари: зоҳирий — вужудий, ботиний — руҳий, дунёвий ва илоҳий шахсий ва ижтимоий — турфа аломатлари, аниқроғи, ўкинч-армонлари, азобу фожиаларининг тажассумини кузатиш орқали уларнинг сабабиятини, асорат ва оқибатларини чуқурроқ идрок этиш мумкин...

Мазкур тарихий миниатюр шеърий обида мазмунини мумкин қадар чуқурроқ таҳқиқ этиш, аниқ ва ёрқинроқ талқин этиш ниятида уни сатрма-сатр шарҳлаш матлуб қуринади.

Толеъ йўқи жонимга
балолиг бўлди.

«Толеъ йўқи...» Бу аввало, шоир зоти учун фақат шахсий ғам-андуҳ ифодаси эмас. Ҳолбуки, санъаткор шоир ва шоҳ Бобурнинг шахсияти — ўзлиги бошқа аҳли шуаро ва салтанат соҳиблари (ё даъвогарлари)дан жиддий тафовут қилувчи аломатлари билан ажралиб туради. Сўнгра, «толеъ йўқи...» Бу — нафақат «дашт эли» — кўчманчи ўзбек уруғлари босқинини охирқибат даф эта олмаслик, пировардида, ёғий кучларига бас келолмаслик алам — изтироблари далолати. Энг оғири, бу — аросат исканжасида — икки ўт ўртасида қолган, беҳиштмонанд воҳаю водийлари харобазорга айланган, умид — нажот йўлларидан бутунлай мосуво, айниқса, муқаддас руҳий — манъанавий обидаларининг тақдири хавф остида қолган жонажон улус, ватан қайғусининг ҳазин-мунгли тимсоли...

Мазкур биринчи мисра таркибидаги «жонимга балолиг бўлди» ибораси англатган маъно-шахсий ва ижтимоий кулфатлар поёнини, моҳият ва сабабиятини баҳоли имкон шарҳласак.

Айниқса, «Жон» тириклик, умр ғаниматлиги, муҳаббатнинг боқийлиги ғояларини гоҳ умидбахш — ҳаёлий, гоҳ (аксар) ҳазин — ўйчан лавҳаларда ифодалайди. Мазкур рубоийда жон азоблари охир — оқибатда «балолиг» сўзига нисбат берилиши беихтиёр «Бобурнома»даги энг драматик вазият тасвирини эсга солади. Чунончи, 1526 йил воқеаларига бағишланган бобда Бобуршоҳнинг заҳарланиши ҳақида қўйидаги сатрларни ўқиймиз: «Жон мундоғ азиз ниме эмиш, мунча билмас эдим. Ул мисра борким: Ким улар ҳолатқа етса, ул билар жон қадрини... Ҳар қанча бу воқеа ҳойла хотиримга келса, беҳоят ҳолим мутағаййир бўлур. Тангри таолонинг иноятидан бор экандир, менга яна бошдин жон бағишлади — мунунг шукрини не тил била қилғайман? Агарчи тилга, оғизга сиққусиз, қўрқудек воқеа эди, шукр тангрига, яна кун кўрарим бор экандур».

Ҳар ишники айладим —
хатолиг бўлди.

Ажабо! Бобурдек буюк шоир, мутафаккир, маърифатли ва адолатпеша бир шоҳ англаб етган «хатолиг»лар... Не тонгки, Бобурнинг гўёки катта бир узрхоҳликдай эшитиладиган, моҳиятда жуда-жуда аламли, ортиқ таассуфли иқрорнома сўзлари ҳақида одатий таомилда мулоҳаза юритиш ғоятда мушкул юмуш бўлиб туюлади: наинки масъум, ўта тийрак болалик чоғларидан фикрёдини банд этган бобомерос мулк манфаатлари, муборак Ватан тақдири, шеърият, илму ирфон рағбати (жумладан, миллий ёзув — имло тақдири, («Хатти Бобурий»ни эсланг) яхши от қолдиришдек қутлуғ ва эзгу мақсад йўлида бир умр собит қадамлик, ҳиммат, жасорат билан қилган бутун саъй-ҳаракатлари, қисқаси, «ҳар иш» фақат «хатолиг» бўлиб чиқса!

Албатта, «ҳар иш», «хатолиг» каби ортиқ ҳасратнишин тафсил — ташбеҳлар замирида Ватан фироқи билан боғлиқ, ҳар гал шоир эсга олганида вужудини қақшатгувчи битмас жароҳат оғриқлари ҳам англашилиб туради. Лекин «тавбаи комил» оятидай тийрак ҳақиқат сўзларини тақдири илоҳий ҳукми, деб билган Бобур ҳар қандай қаллобликка, ёвузликка тик қараганидек, турфа «хатолиг»ларни ҳам маломатлардан чўчимасдан ифшо этадики, бундай мардонавор ошкоралик улуғ шоирнинг номи шарифига заррача ғубор юқтирмайди, бильакс, унинг сиймосини, биринчи навбатда мусулмон оламида сарбаланд этади...

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд
сори юзландим

«Ўз ерни қўйиб...» Бу нолавор сўзлар замирида нафақат Бобуршоҳ шахсияти билан боғлиқ ҳасрат — надомат оҳанглари, балки эл-улус, ватан тақдирига шунчалар масъулиятсиз — лоқайдлик билан қараган юртбузар — тарафкаш амирлар, айниқса, уруғқавм, шаҳру қишлоқ дарғалари, дин арконлари учун, қолаверса, турли тоифа ва табақага мансуб, хатарли вазиятда майдонга отланиб чиқишга яроқли ҳамюртларнинг журъатсизлиги, худпарастлиги учун ҳам алам-изтироб туйғулари зуҳур этса не ажаб?.. Балким, ушбу ўкинч — пушаймон сўзлари ёзилаётган кезда «Шайбоқхон» (Бобур ибораси) — бош кўчманчи истилочилар қолдирган мудҳиш асорат — оқибатларни ўйлаб, эски дард — жароҳат оғриқлари янгилангандир...

«...Ҳинд сори юзландим». Бу сўзлар ҳам нафақат учинчи мисра тагмазмуни, унинг бутунлиги учун хизмат қилади, балки, кенг маънода, шоир Бобур хоҳ шеърий, хоҳ насрий йўлда, турли оҳангда арз этган «ҳасби ҳол»ига ҳам даҳлдорлиги шаксшубҳасиздир. Бу даъвони қўйидаги байт билан далиллаш мумкин: «Ё раб, яна маҳруму хонимон қилдинг, Ё раб, яна оворои жаҳон қилдинг». Бу мунгли мисраларнинг ҳаққонийлиги — ҳаётий жозибаси шундаки, Бобур ўзининг хос табиати, хос саъжияси тақозоси-ла ҳар бир айтган сўзига баайни номаи аъмол ёзуғидай юксак қиймат берган. Шу маънода, учинчи мисра моҳиятидан буюк тарихий шахс фожиасигина эмас, балки қисмати илоҳий иродаси олдида («... Ҳеч нима тенгрини хостидан ўзга бўлмас» — «Бобурнома») мутлақо чорасиз ҳолати англашилади: «Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла, лекин боруримда ихтиёрим йўқтур».

Ва ниҳоят, сўнгги мисра шарҳи:

Ё раб, нетайин, не юз
қаролиг бўлди!...

Минг йиллик мумтоз шеъриятимиз дуржи — тил, луғат, пурҳикмат иборатлар сандиғида «юзи қаро» янглиғ оғир-зил иснод сўзи кам топилса керак. Бобур Мирзодек футувват (йигитлик) — жавонмардлик, ор-номус ва ғурур бобида яктолардан, табиатан ғояти нозик кўнгил, фузалою зурафо аҳлининг ортиқ хушгаъб ва солим мусобиҳи бўлмиш шоир ва шоҳки «юзи қаролиг» иборасининг не чоғлик оғир юкига, унинг ўта шармисорлик зарби — қийноғига дош бериб, алам — изтироб сўзонида ўртаниб, бунчалар беомон, оғули насиба учун Ҳақ олдида муножоту тазарру туйғуларини кечирар экан, бунда муъжизий бир ҳикмат бор. Унинг, айниқса, «Ёраб!» дея Оллоҳга қилган илтижоли нидосидан бу покдомон инсон, даҳо шоирнинг аҳволи руҳиясини озми-кўпми англагандай бўламиз (тўла - тўкис, моҳияти-ла идрок қилиш имконсиз эканини ҳам бир қадар тасаввур этамиз). Айни замонда, инсоф билан айтганда «юз қаролиг» сўзларида зуҳур этган маъно — маломат юкини ёлғиз Бобур ғарданига ағдариб бўлмаслиги ҳар бир соғлом ақл ва ахлоқ соҳибига аён бўла бошлайди.

Хулласи калом, Бобур Мирзо ўзи бунёд этиб улғурган авлодларга қолдирган, ҳали биз ҳақиқий баҳосига ета билмаган руҳий, моддий, маънавий-маърифий, ахлоқий, ҳуқуқий, бадиий мерос қадрини бошқалардан теранроқ идрок этгани ҳолда, «барчанинг дардича бор менда дард» (Навоий) дея нисбатан қисқа умрини фақат буюк зотларга хос олий ҳиммат, улуғ жасорат кўрсатиб, тўла маънода фидойилик билан ўтқарди...

Ботирхон АКРАМ,
профессор, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг илмий ходими.

ЕТАКЧИ ЎНЛИКДАН ЖОЙ ОЛДИ

«Сўнгги беш йил ичида ХХР савдо-сотиқ бўйича етакчилик қилаётган дунёнинг ўн мамлакати сафидан жой олди. Хитой ташқи савдоси мамлакат иқтисодиёти ривожига улкан ҳисса қўшаётир», деди ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Пэн ташқи савдо масалаларига бағишланган Умумхитой йиғилишида.

Ли Пэннинг таъкидлашича, жорий йилда ХХР ташқи савдодаги маблағ айланиши ҳажми 1997 йилга нисбатан 20 миллиард долларга ошади. Бу пул айланиши ҳажмини ҳаммаси бўлиб 345 миллиард АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда, деган гап. Шунингдек, жорий йилда мамлакатга хорижий сармоя жалб этиш ва чет эллардаги Хитой капитали ҳажмини янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

«ГУАМ» ФОРСГА КЕЛМОҚДА

Пентагон вакилларининг айтишларига қараганда, яқин кунларда Американинг Форс кўрфазидаги 25 минг кишилик ҳарбийлари сони яна 5 минг нафарга кўпаяди.

Шу кунларда икки минг нафар денгиз пиёда қўшини билан «Гуам» кемаси Форс кўрфази томон йўлга чиққан. Ҳадемай яна 3 минг ҳарбий хизматчи тез орада кўрфазга йўл олади.

ҒУЛЧАМБАРСИМОН ҚИРҒОҚЛАР

Табиат — инсоният бешиги

Туркия табиати гўзал турк гиламларига қиёсланади. Бу гиламлар асрлар мобайнида бир неча авлодларнинг ақл ва қалб ҳарорати билан сайқал топиб, такомиллашиб келган камалак рангларидек ранг-баранг санъат асари бўлса, бу табиатни ҳам илоҳий ижодкорнинг энг мукаммал асарларидан бири дейиш мумкин. Қирадирларнинг кўпинча яйдоқлигию ўрмонларнинг сийраклигини бу заминдан ўтиб-қайтган ҳарбий қўшинлар ва аскарларнинг ғорат қилувчилик кучи билан изоҳлайдилар.

Жўғрофия китобларида ёзилишича, Туркия ўзининг қулай географик жойлашуви ва ҳудудий вазиятига кўра, ранг-баранг манзаралидир. Мамлакатнинг шарқидан ғарби сари баланд тоғлар тизими чўзилиб кетган. Бу тоғларда қиш совуқ бўлиб узоқ чўзилади. Паст-текисликларда қиш муътадил бўлади ва дала гуллари ҳамиша очилиб ётади. Айрим ҳудудлар эса бир неча юз йиллардан буён фақат баҳор билан ёзни кўрган, қиш нималигини билмайдиган ерлар ҳам бор. Дашт, беполён буғдой далалари, тик ва юксак қоялар, баланд шаршаралар ва тубсиз жарлар — буларнинг барини Туркияда ёнма-ён кўриш мумкин. Эгей денгизининг гулчамбарсимон қирғоқлари ҳамиша ям-яшил бўлиб, шимолдан жанубга чўзилган. Анатолиянинг фундук ёнғоғи, маккахўжори, чой плантациялари қуршаб олган шимолий тоғлари Қора денгизнинг бетакрор, илиқ ва намхуш қирғоқларидан бошланади. Ҳайбатли довонлар, йўл четидаги толиқтирувчи сароблар, ўзининг табиий ва ёввойи оламига эга Қора денгиз, ёзги далалар, кўм-кўк ўтлоқли даштлар — булар бари тоғлар пойида — Кон текислигида ястаниб ётади. Игнабарғли ўрмонлардан ўтиб Тавр тоғлари ва Ўрта Ер денгизига яқинлашасиз. Бу тоғ ва денгиз иқлими, табиати Ер юзининг бошқа ҳеч қаерида учрамайди, дейишади. Шарқий ҳудуд, яъни Сурияга чегарадош ҳудудларида банан боғлари ва пахтазорлар кўп. Бу ерлар иссиқ, чўл минтақаси ҳисобланади. Хуллас, Туркияда саёҳатчининг йўли ҳар икки соатда табиат ва иқлимнинг янгидан-янги дунёсидан ўтади. Гоҳ илиқ, гоҳ юксак, гоҳ намхуш, гоҳ кўм-кўк ўтлоқли ерлар саёҳатчига чексиз завқ-шавқ бўғишлайди.

Турклар, Туркия табиатида Осиё, Европа, Африка сингари минтақаларнинг иқлими, манзаралари мужассам бўлиб, мамлакатнинг экологик ранг-баранглиги 40 даража шимолий кенгликда жойлашган, бошқа бирон мамлакат бундай қулай минтақага эга эмас, деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг барида шундай ёзилади: «Геология тарихидаги бундай ранг-баранглик Осиё, Африка, Европа минтақалари бир-биридан ажралишидан кейин пайдо бўлди. Натижада илгари ягона бўлган ҳайвонот дунёси ҳам уч қисмга бўлинди. Туркияда қушлар бир йилда уч марта учиб келиб-учиб кетади. Баҳорда лайлак ва қалдирғочлар Истамбулдаги Жамлиж тепалигидан учиб ўтар экан, гўёки қушлар дунёсининг бетакрор гўзаллигини намойиш этади. Эгей ва Ўрта Ер денгизи соҳилидаги дарё водийларида қизил ғоз (фламинго) ўзига ин солади. Фламинго шўр кўлларда қишлайди. Ўрта Ер денгизи бўйида қушлар кўпайтириладиган 17 та махсус жой тайёрланган. Бу ерларда май ойида тухум қўйишга ҳозирлик кўраётган дунёдаги энг чиройли ва ҳуркович денгиз тошбақаларини кўриш мумкин. Бу пайтда тухумдан эндигина чиққан тошбақаларнинг ҳаётига таҳдид солмаслик учун қирғоқда олов ёқилмайди».

Табиат ҳамиша ҳаракатда. Унинг жараёнлари узлуксиз.

Гилос, олча, олхўри, анжир, бодом каби мева ва сабзавотлар Туркияда ҳам Ўзбекистондагидек яхши бўлади. Ўзбекистонлик сайёҳлар қадрдон турклар диёрида Европа, Осиё, Африка қитъаларига хос табиат манзараларига ошно бўлиб, бой таассуротлар олиш билан бирга юртимиз иқлимига хос табиий муҳитни ҳам доимо ҳис этиб турадилар.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

СУРАТЛАРДА: Туркия табиати манзаралари.

«ТАРКИ ДУНЁ» ҚИЛДИ...

Турфа олам

Россиянинг узоқ қишлоқларидан бирида содир бўлган бу воқеа ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. Инсоннинг иссиқ уйини, ёру дўстларини ва бошқа барча нарсалардан воз кечиб «тарки дунё» қилиши — тушуниб бўлмайдиган ҳодисалардан. Яна қаерга денг?

— Кимсасиз ўрмонга?

Ўз-ўзидан савол туғилади. Нега энди инсон одамлардан узоқда, якка яшашни маъқул кўрди. Бунинг боиси не? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида бир неча журналистлар Гена билан учрашишга қарор қилишди.

Қишлоқдошлари Генанинг бу ишига ҳар хил таъриф беришади. Афсус, уларнинг ҳеч бири ҳақиқатга яқин эмас. Кимдир уни қоралайди, баъзи бировлар тушунишга ҳаракат қилади. Гена бўлса, айнан шундай тушунадиган инсонлар кўмагига муҳтож. Йўқ, у ўша бериладиган хайр-садақага эмас, балки ўзи ишлаб пул топиш учун унга бериладиган имкониятга жуда муҳтож. Гена яшайдиган қишлоқда эса, иш топиш ниҳоятда мушкул. Шунга қарамай, уни ўйларни ситиш мосламаларига назоратчи қилиб ишга олишди. Бу иш Генага жуда маъқул тушди. Бир кун навбатчилик қилса уч кун ўрмонда бўлади. Навбатчиликда ҳам Гена бекор ўтирмайди, — сумка тўқийди. Ҳар қалай, тирикчилик-да.

— «Сумкаларни унчалик чиройли деб бўлмайди, лекин бозор-ўчарларга жуда қулай. Ўта пишиқ ясалган» — дейди унинг ҳамқишлоғи Володя.

Муҳбирлар Володянинг кўмаги билан Генанинг ўрмондаги уйига ташриф буюришди. Дарвешнинг уйи оддийгина, баландлиги икки метрча келади. Ғайри-табиий кўринишга эга бўлган бу ўтовдан оёғига катта-катта пойма кийиб олган 40 ёшлардаги, ориққина, узун бўйли киши чиқиб уларни кутиб олди. Муҳбирлар ўтовга кираркан жуда синчковлик билан ичкарини кузатишди. Уйчанинг эшиги деярли йўқ, қоронғу, ўртада гуриллаб печка ёниб турар, чеккароқда ошхона буюмлари, қоғоз картон билан тикилган деворларда эса, бир неча суратлар ва санам тимсоли бор эди. Шунингдек, стул, кароват ва китоблар унинг олдинга яшаган жойидан обкелинган. Олдин у барча қулайликлар билан икки қаватли баракда яшаган. Айтишига қараганда, баракда яшаш унинг жонига теккан.

Гена кейинчалик ўзига устахона ва каттароқ уй қуришни орзу қиларкан. Ташқаридан қарасангиз унинг гаплари-ю ишлари, бу ғирт хаёлпарастлик бўлиб туюлади. Унинг энг яқин дўсти эса, бу «Мурка» исмли мушук бўлиб, у фақат каша еркан. Генанинг ўзига келсак, у гўшт емайди, яъни вегетариантлардан. У қадимги Хитой фалсафаси тарафдори: «Агар жамият қонунлари — табиат қонунларига ўхшаб, ҳақиқий ва одилона бўлганида эди, унда Ер юзида яхшилик ва ёмонлик бир-бири билан курашмаган бўларди». Ана шу тушунчани Гена айнан ўзидан бошлашга жазм қилган. У ҳеч кимни ўрмонда яшашга ундамоқчи эмас. Негаки, бу иш ҳаммани ҳам қўлидан келавермайди-да. Гена яшаётган бундай ҳаёт тарзининг, қандайдир биз тушунмайдиган тарафи бор, шекилли.

Муҳбирлар ҳам ўз саволларига жавоб тополмасдан ортга қайтишди.

Хорижий манбалар асосида
Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШГА ДАЪВАТ

Халқаро олимпиада қўмитаси (ХОҚ) жаҳон мамлакатларини Наганода ўтаётган қишки олимпиада ўйинлари вақтида тинчликни сақлашга яна бир бор даъват қилди.

Япония оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсоннинг Токиога ташрифидан кўзланган мақсад бу масалани алоҳида муҳокама этишдир.

ВОКСХОЛЛМИ... ВОКЗАЛ?

1700 йили англиялик катта ер эгаси Исаннахоним Вокс Лондон шаҳри яқинидаги боққа кўркам меҳмонхона қурдирди. Кечқурунлари баёнлар ва хонимлар келиб, бу ерда сайр қилишар, томошалар кўришарди. Ана шу сайрғоҳга одамлар воксхолл (холл—зал, меҳмонхона), яъни Воксннинг зал-меҳмонхонаси, деб атайдиган бўлишди. XVIII асрнинг охирига келиб бу сўз «Воксал» тарзида поляк ва рус тилларига кирди. Темир йўл қурилгандан кейин эса бекатдаги бино ҳам «вокзал» деб юритила бошланди.

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Йилни яхши бошлаганлар

Бундан қарийб юз йиллар аввал бунёд этилиб, ишга туширилган 1-ун заводи доимий равишда Тошкент шаҳридаги нон заводларига, аҳолига ҳормай-толмай ун етказиб бераяпти.

Яқиндагина, яъни 1995 йилда бу ерда ишлаб чиқаришни хом ашё билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ташкил этилганди. Бироқ, бундан кўзланган мақсадга эришилмади. Айрим ҳолларда дон етишмай қолганлиги оқибатида дастгоҳлар, цехлар тўхтаб қолди. Аҳолини ун билан таъминлашда узилишлар бўлиб турди. Бозорларимиз эса хорижий мамлакатлардан келтирилган ун ва ун маҳсулотлари билан тўлиб кетди.

1997 йилнинг январь ойидан апрелгача бўлган даврда корхона бутунлай тўхтаб қолди. Хом ашё бўлмагандан кейин шундай бўлиши турган гап эди. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб раҳбариятда айрим ўзгаришлар юз берди. Ҳиссадорлик жамиятига тажрибали мутахассис Муҳаммадвафо Ибодов раис қилиб сайланди. Акцияларнинг 30 фоизи давлатга ўтди. 20 фоизи корхонада қолди. 50 фоиз акциялар эса хусусийлаштириш инвестиция фондлари орқали сотилди.

Шундан сўнг корхонани хом ашё билан таъминлаш яхшиланди. Давлат йўли билан кўплаб ғалла келтиришга муваффақ бўлинди. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар эса ишлаб чиқаришни янада яхшилашга сарфланяпти. Технологик жараёнлар такомиллаштирилиб, цехларга замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди. Яъни ўртача ойлик иш ҳақи кескин оширилди. Агар 1996 йилда ҳар бир кишига ўртача 3500 сўмдан ойлик маош тўланган бўлса, 1997 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 8150 сўмдан ошди.

Бунинг устига ходимларга 14-ойлик маош ҳам берилди. 13-ойлик маош эса ўртача 5696 сўмни ташкил этди. Иш ва маданий-маиший шароитлар ҳам кўнгилдагидек.

Шу боис бу ерда меҳнат қилаётган жами 304 кишилик жамоа астойдил тер тўкаётир. Маҳсулот сифати ошиб, турлари кўпаймоқда. Масалан, ўтган йили 101 минг 737 тонна буғдой қайта ишланди. Шундан 514 тонна олий навли манний крупаси, 19 минг 762 тонна олий навли ун, 49 минг 862 тонна биринчи навли, 8 минг 213 тонна иккинчи навли ун ишлаб чиқарилди. Жами 77 минг 837 тонна сифатли ун тайёрлаб истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ҳозир корхонада макарон цехи ҳам ишлаб турибди. Доимий равишда мамлакатимизда камчил бўлиб келган макарон маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш, бу ердагиларнинг асосий мақсади. Ахир бор-йўғи бир йил ичида 530 тонна макарон қаламчалари ишлаб чиқарилгани кимни суюнтирмайди? Умуман 17 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот аҳолига етказиб берилди.

Ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисми ун ташиш учун мўлжалланган автомашиналарда истеъмолчиларга етказиб берилди. Маълумки, унни қопқанорда ташиш ҳар томонлама зарарли. Маҳсулотнинг кўп қисми нобуд бўлади. Шу боис ҳам маҳсулотнинг 41 минг 679 тоннаси, яъни 53,5 фоизи марказлаштирилган махсус машиналарда ташилди.

Зеро, корхонада 1997 йил иш яхши бошланмаган бўлсада, муваффақиятли якунланди. 180 миллион сўмлик фойда олинганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари эришилган натижалар билан кифояланиб қолишни ўзларига эп кўрмайдилар. Уларнинг нияти — 1998 йилда ютуқларни янада мустаҳкамлаш. Бунинг учун ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришлари қилинмоқда. Корхонанинг номи ҳам ўзгарди. Эндиликда у «Ғалла — Алтег» очиқ ҳиссадорлик жамияти деб юритилади.

— Биз 1998 йилни яхши бошладик, — дейди ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Бахтиёр Икромов. — Бунинг учун ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришимиз лозим. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бизнинг маҳсулотларимизга бўлган талаб барқарор бўлиб турсагина бунга эришиш мумкин. Бунинг учун ғаллага бўлган давлат буюртмасининг чекланганлигини ҳисобга олиб, ўзимиз хом ашё топиш йўлидан борамиз. Бинобарин ўтган йили Қозоғистон, Россия, ҳатто Канададан буғдой келтирган эдик. Бу йил ҳам ана шундай йўллар билан ғалла келтиришни мўлжаллаб турибмиз. Янги йилда камида 100 минг тонна буғдойни қайта ишлаб, халқимизга етказиб берамиз.

Ҳа, ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг бу йилги кайфияти ўзгача. Айниқса, Комилжон Қушжонов, Обиджон Тўхтасинов, Зулфия Ҳасанова, Ахбор Азимов, Абдуразоқ Мирзаев сингари ҳиссадорлар юксак ниятларни кўзлаб меҳнат қилишаётир.

Йилни яхши бошлаган ҳиссадорлик жамияти аъзолари оила йилида ҳар бир хонадонда ун ва ун маҳсулотлари сероб бўлиши йўлида астойдил ҳаракат қилаверадилар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

УМР ЎТДИ, ЭНДИ ҚАЙТМАЙДИ

ЎЗИНГ ЯГОНА



Ҳусни латофатда ўзингсан ягона,
Шаҳло кўзларинг олур оромим менинг.
Ишқинг ўтида куйиб, бўлдим девона
Сўрамадинг бир бора ҳеч аҳволим менинг.

Инон сўзимга, бу кун гўзал маликам,
Кўз ўнгимдан кетмас ҳеч нозик қоматинг.
Кўрмадим мен бу дунёда сенингдек кўркам,
Сендан ҳуснлироқ бирон гўзални.

Ярашади ўзингга беғубор кулгинг,
Ноз ила оҳиста юришларинг ҳам.
Ром айлаб ўзига гўзал табассуминг,
Вайрон этадур менинг кўнглимни ҳар дам.

Лабларинг эслатур қизил гул ғунчасин,
Камондек қошларинг ўхшаши йўқ зинҳор.
Латофату гўзаллик барча-барчасин
Бермиш табиат сенга қилиб бетакрор.

1

Спорт

БИЗГА ҲАМ НАВБАТ КЕЛДИ

Инсон боласининг имкониятлари чексиз. Зеро, спортнинг баъзи турларида эришиладиган ҳайратомуз ютуқлардан гумонсирашимиз табиий. Албатта, тинимсиз машқлар ўз мевасини берган, бераверади. Аммо йирик баҳсларда ҳар бир спортчи ўзининг руҳий ва жисмоний имкониятларини жунбушга келтиришга ҳаракат қилади. Зотан, ҳамиша ҳам кечагина машқ пайтида эришилган натижани расмий мусобақада такрор-

СИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

Киши ҳаммага ҳам ҳавас қилавермайди.

Ҳавас қиладиган одам бошқача бўлади.

Бировнинг ҳавасини келтириш учун одамга Худо берган бўлиши керак.

Бўлмаса, минг ўлиб - тирилганнинг фойдаси йўқ.

Мақол ҳам бор-ку... (Хизрнинг назари ҳам Худонинг бергани-да!)

Сайди Умиров ана шундай — Худо берган инсонлардан. Бўлмаса...

Бўлмаса, Самарқанд вилоятининг чекка бир қишлоғида

Таълим фидойилари

ларда аралашади ҳам.

Бир йили яқинда мансаб курсисига ўтириб, босар-тусарини билмай қолган, бу курсининг омонатлиги устида ўйлаб ҳам кўрмаган бир учар университетга учрашувга боради. Талабалар — ҳамма нарсага қизиқадиган ёш болалар эмасми — унга турли саволлар беришади. Учарга саволларнинг айримлари ёқмайди — «қалтис» бўлиб кўринади. У иззат-икром билан ўтқазиб қўйилган жойидан туриб талабаларга дўқ-пўписа қила бошлайди. Уларни ўқишдан ҳайдатиш пайига тушади. Ана шунда Сайди Умиров ўзининг тақдирини гаровга қўйиб, талабаларни ҳимоя қилади, ўқишда олиб қолади. Ҳозир ўша талабалар республиканинг етакчи матбуот органларида ишлаб турибди, кўпчиликнинг назарига тушган, учарнинг эса номи ўчиб кетган...

Сайди Умиров университетда талабаларга журналистика маҳорати сирларини назарий жиҳатдан ўргатибгина қолмай, ўзи амалда намуна ҳам кўрсатиб келади. Деярли ҳар куни бирон-бир газетада унинг ё очерки, ё қандайдир муаммони кўтариб чиққан таҳлилий мақоласи, ё публицистик материалини кўрасиз. Бунинг устига...

Ҳозир китоб чиқариш имконияти анча камайиб қолган бўлишига қарамай, Сайди Умиров барчамизга бу борада ҳам ибрат кўрсатиб келяпти. Унинг кейинги йилларда чиқарган бир неча китоби (Ғайбулла Саломов ҳақидаги «Солланиб оқаётган дарё», шу устози билан ҳамкорликда ёзган «Одобнома» китоблари шулар жумласига киради) долзарблиги билан ҳам, бадиий хусусиятлари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ҳар доим Сайди ака тўғрисида ўйлаганимда, ўзимга ўзим: бир киши ўзида шунча фазилату хусусиятни қандай жамлай олар экан, деб савол бераман. Ҳам илм, ҳам педагогик фаолият, ҳам қалам, ҳам катта-кичик демасдан барча билан дўст бўлиш, барчага яхшилик қилиш истаги... Оила, фарзандлар, набиралар ташвиши, тарбиясини айтмайсизми... Бунга озмунча куч, вақт кетадими! Кейин жавоби ўз-ўзидан келади: бунинг учун ҳақиқатан ҳам Худо берган одам бўлиш керак...

Сайди ака, ана шундай, Худо берган одам, бугунги кунда бошқа бир олижаноб фаолият билан банд. У ҳозир қўшни Қозоғистондаги Халқаро Экология-гуманитар академиясида сабоқ беряпти. Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатига бу тариқа ҳисса қўшиш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келаверадиган иш эмас!

Бир киши эришган шунча нарсага ҳавас қилмай бўладими?

Машраб БОБОЕВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 14 fevral, shanba № 20 (22.257).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ФИРОҚ ЎТИДА КУЙДИРМА МЕНИ

Фироқ ўтида куйдирмагил жоним,
Ўртама бу ошиқ юракни яна.
Билгил, фақат сенсан менинг севганим,
Бўлгум атрофингда мудом парвона.
Фақат илтимосим, рад этма мени,
Инон менга жоним, бергил қўлингни,
Тақдирдан ўргилай, танлаган сени,
Бахтиёр этгали мендай қулингни.

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам сен фақат,
Қалбим эгалладинг муҳаббатинг-ла,
Юрагимда орзу-умидлар қат-қат,
Эришгум аларга фақат сен бирла.
Кел, азизам, барча ошиқлар бу кун
Пок севгимиздан олсин андоза.
Битмас муҳаббату садоқатимиз
Бу етти оламга бўлсин овоза.

НЕЧУН ТАҚДИР УЧРАТДИ БИЗНИ

Нечун бизни маликам, учратди тақдир
Пешонага ёзилганми бу сўзсиз?
Ҳаётимиз ўтмоқда эди-ку, ахир,
Сокин дарё каби бир-биримизсиз.

Яшаётган эдик-ку мен ҳам ва сен ҳам
Мамнун, рози бўлиб ҳаётимиздан —
Гўё севганмиз, севилганмиз чинакам,
Борардик ҳар биримиз ўз йўлимиздан.

Аммо севги-муҳаббат энди нелигин,
Сени учратиб, сўнгра билдим паризод.
Сенсиз ўтган умримнинг ҳар дақиқасин,
Қандай яшаган эканман биролмам, ҳайҳот.

Ҳайҳот ўтди умрим менинг, энди қайтмас,
Минг афсуски, унинг бир дақиқаси ҳам.

Найлайин, оҳу додим фалакка етмас
Дилим вайрон этсада азоб, фироқинг.

Барибир мени шоду бахтиёр этдинг,
Шунисига сенга минг-минг ташаккур.
Қўлинг солиб бўйнима, оҳиста дединг:
«Борлигингизга жоним, минг бора шукр».

Бу сеҳрли сўзлар шавқи-ла илло,
Яшагумдир энди, мудом қувончга тўлиб.
Нолимай тақдиримдан мен энди асло,
Боқди-ку, дея бахт қуши менга ҳам кулиб.

***

Ўйламай босилган ягона қадам,
Ўзгартирур инсон тақдирин буткул.
Ноўрин айтилган бир оғиз сўз ҳам
Етадур обрўйинг қилишга бир пул.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Қалбида жўш урар ҳур Ватан туйғуси,
Елкада мудом элу юрти қайғуси,
Оила ҳаловати унинг орзуси,
Ғамхўр, олижанобдир ўзбек йигити.

Меҳмонларга очиқдир эшиги ҳар дам,
Дастурхони мунтазир дўстларга бекам.
Меҳмондин аямас молу дунёсин ҳам
Тенги йўқ меҳмондўстдир ўзбек йигити.

Қўли очиқ, сахийликда чиқарган ном,
Миниб турган отин ҳам қилади иноъом.
Кўнгилда ботирлигу яхшилик мудом,
Беғаразу соддадил ўзбек йигити.

Ота-она, устозлар берган ўгитин
Эъзозлаб, бир умр сақлар тўрида қалбин,
Роҳат-фароғатда кўриш элу юртин —
Орзусида яшайди ўзбек йигити.

Тоғни урса агар у, қилади талқон,
Ватан учун кўксини айлайди қалқон,
Ҳар ишга бош қўпса топади имкон,
Ватанпарвар, тадбиркор ўзбек йигити.

Хиёнат қилмайди у севган ёрига,
Содиқ қолур ҳамиша юртга, Ватанга,
Қолмайин деб ёрининг оҳу зорига
Муҳаббатин асрайди ўзбек йигити.

Дўстига меҳру садоқатда ягона,
Қалбакилик унга ётдир-бегона.
Дўсти-чун ўту сувга кирар мардона,
Қиёматли чин дўстдир ўзбек йигити.

Йигитлар бисёрдир ёруғ дунёда,
Ўктам, ботир, бир-бирларидан зиёда.
Барча бу хислатларни қилиб ифода,
Мардонавор яшайди ўзбек йигити.

Абдулла ШОНОСИР.

2

NAGANO 1998

лашнинг иложи бўлмай қолади. Бу ҳаммаси жойлардаги об-ҳаво, атроф-муҳитнинг таъсири, қоларверса, кайфият билан боғлиқдир. Нима қилиш керак? Тўрт йилдан бери кутилаётган орзу паймол бўлсинми? Қарабсизки, ғайритабиий қўзғатиш воситаларидан фойдаланишга уринишлар бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар эса қатъий ман этилган бўлиб, тиббиётчилар ҳар бир спортчини жиддий кўрикдан ўтказиб туришади.

Нагано олимпиадасида ҳам шундай бўлди. Канадалик Россе Рибальятининг зафари бекор қилинди. У кенг қамровли битта чанғида — сноубордда учиш бўйича ғалаба қозонган эди. Текширишлардан маълум бўлдики, унинг қонида зўриқтирувчи гиёҳванд модда бор экан. Қизиғи шундаки, спортчининг ўзи соддалик қилиб: «31 январь куни ҳазил-ҳузул билан гиёҳдан тотиган эдим», деб эътироф этди. Агар бу воқеа Японияда содир этилган бўлса, оқибати ёмон бўлиши кутиляпти.

Баҳслар эса қизигандан қизиб боряпти. Кучли жамоалар норасмий ҳисобда пешқадамлик қилишга зўр беришмоқда. Ҳозирча Германия ва Россия терма жамоалари тўрттадан олтин медаль билан олдинда боришяпти. Хоккейчиларнинг гуруҳлардаги саралаш баҳслари тугади. Нимчорак финалда Қозоғистон — Россия хоккейчилари майдонга тушди. Ниҳоят яхши ният билан олимпиадага йўл олган юртдошларимизга ҳам навбат келди. Душанба куни фристайлчилар Лина Черязова билан Сергей Бринер майдонга тушадилар. Эртага эса фигурачиларимиз Татьяна Малинина билан Роман Скорняков якка баҳсларни бошлашади. Комил Ўримбоев ҳам келаси ҳафтада тоғ чанғисини қўлга олади.

туғилган, ҳали эсини танимасиданоқ отасидан жудо бўлган (отаси урушга кетиб, қайтиб келмаган), норасидалик пайтиданоқ қийинчиликдан бошқа нарсани кўрмаган, хуллас, ҳақиқий болалик нима эканини билмаган кишининг бугунги кунда Тошкентдай шаҳри азимда яшаб, меҳнат қилиши, дўстлари, шогирдлари эъзозида бўлиши... Эҳ-ҳе... кимнинг ҳам етти ухлаб тушига кирарди!

Сайди Умиров мурғаклик пайтидан бошлаб иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, жазирада куйиб, аёзда титраб, қор кечиб, онасининг ёнига кириб рўзғор тебратди, укаларини катта қилди. Лекин қанча қийин бўлмасин, мактабга боришни канда қилмади.

Шу тариқа суяги қотди. Орада мактабни ҳам битирди. Самарқанд Давлат университетига кирди. Университетда ўқиб юрган кезларидаёқ илмга ружу қўйгани учун (у пайтлар, гарчи ҳар бир вилоятда, жумладан Самарқандда ҳам Педагогика институти бўлишига қарамасдан, университет ҳам асосан мактаб ўқитувчилари тайёрларди) таҳсил тугаши билан «ҳай-ю ҳайт!» деб Тошкентга йўл олди. Фанлар академиясида илмий иш билан банд бўлди. Фан номзодлиги учун диссертациясини ҳимоя қилгач, Тошкент Давлат университетига ўтиб, педагогика фаолияти билан шуғуллана бошлади.

Шундан буён домла.

Мен Сайди акани ана шу пайтдан — домлалигидан бошлаб биламан.

Одатда таълим масканларида, хусусан олий ўқув юртларида домлалар билан талабалар ўртасида қандайдир кўзга кўринмас чегара — парда бўлади. Бу — ўзбек одобига ҳам мос, албатта. Шунинг учун талабалар домлалар олдида сал-пал қимтиниб туради. Бу — қўрқишдан эмас, яна такрорлайман, одоб юзасидан.

Лекин Сайди Умиров бутунлай бошқача домлалар. Талабалар унга ўз тенгдоши, дўсти сингари муносабатда бўлади. Ҳар қандай масала юзасидан бемалол маслаҳат сўрайди, дардлари, режалари билан ўртоқлашади. Уни кўпинча — ётоқхонадами, бошқа жойдами — талабалар даврасида кўрасиз.

Бунинг сабаби аниқ, албатта. Сайди Умиров ўзини шундай тутади. Талабаларга ортиқча такаллуфлар учун ўрин қолдирмайди. Ўзи уларнинг ташвишлари, орзу, интилишлари билан қизиқади, маслаҳатлар беради.

Лекин буларнинг барчаси сабоқдан ташқаридаги ишлар. Сайди Умиров талабаларига қай ҳолда ўта талабчан бўлади, деб сўрасангиз, сабоқда, деган жавоб оласиз. Шунинг учун ҳам республикамизнинг ҳамма жойида ишлаётган журналистлар унинг номини алоҳида меҳр билан тилга олади.

Педагоглик фаолияти даврида қўлидан қанча талаба ўтганини билмайман, лекин шуни аниқ биламанки, Сайди ака уларнинг ҳар бирига бир неча йил давомида университетда таҳсил олиб кетадиган оддий талаба сифатида эмас, бир фарзанди сифатида қарайди. Уларнинг тақдирини ўйлайди, лозим бўлган пайт-

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 34863 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0968

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди — 22.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси Тошматов

Исми Темирбой ҳожи

Отасининг исми

Қачон, қаерда туғилган 11. 10. 1897 йил Андижон вил. Андижон тум. Хартум қишлоғи

Ҳозир қаерда яшайди Ҳозир ҳам шу ерда яшайди

Узоқ умр кўришнинг сири якиемоний меҳнат, феъл-атвор, одоб (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси Одамлар мусаффолиги инсон саломатлигига фойда (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

«АЖОЙИБ- ҒАРОЙИБ» ТАНИШУВ

Ёшим 25 да. Ухлаб ётганимда чекмайман, тополмасам ичмайман. Ароқ ва сигарет сотиладиган тижорат дўконида сотувчи бўлиб ишлайдиган, сочи кесилган гўзал қиз билан турмуш қурмоқчиман. Ёши мени қизиқтирмайди. Дўкони бўлса кифоя...

* * *

Йигирма тилда мукаммал сўзлаша оламан. Ўзимга муносиб, гўзал ҳинд қизига уйланмоқчиман. Мақсадим, ҳиндча сўкиш ва қарғашни ўрганиш.

* * *

Яхшигина уй бекасиман. Яқинда ўттиз ёшга тўлдим. Кир ювиш, кийимларни дазмоллаш ва овқат қилишни билмайман. Ўзимга мумин-қобил, рўзғор ишлари қўлидан келадиган ёр излаяпман. Уни бир умр ҳеч қаерда ишлатмайман. Фақат уй ишларини бажарса бас...

* * *

Қайси миллатданлигимни аниқ билмайман. Отам рус, онам татар, бир бобом қалмиқ, бири немис. Бурним арманларникидек узун. Кўзим японларникидек қисиқ. Ҳиндлар «мода»сида кийинаман. Хитойча овқат ейман, ўзбекча гапираман. Ниятим, америкаликларга ўхшаш қирғиз қайлиғим бўлса, дейман.

* * *

Ҳеч қаерда ишламайман. Хунук бўлса-да, ёши йигирмадан ошган, ота-онаси бор, фарзанди йўқ аёлни бахтли қилишим мумкин. Бўлғуси қайнота ва қайнонам нафақасининг умумий миқдори 6000 сўмдан кам бўлмаслиги шарт.

* * *

Қулоғим оғирлигини ҳисобга олмасак, буткул соғломман. Уч маротаба автоҳалокатга учраб, оёғим, ўнг кўлим ва бурун суягим синган. Йигирма бешта шаҳарнинг элликка яқин шифохонасида даволанганман. Дардлашиш мақсадида йигирма бор касалхонада ётишга улгурган, соғлиғидан нолимайдиган, ёши 50 дан кам бўлмаган кампир билан танишмоқчиман.

Жума УСМОНОВ,
Сурхондарё вилояти.

Шунчаки ҳазил



Қишда қайиқ ҳайдашнинг ҳам гашти бор.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги МЧЖ «МП Фаст» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Трансгазмахсусқурилиш» акционерлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» корпорпцияси бошқаруви раиси Қ. Ж. Ҳаққуловга отаси **Жалил ота ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билун чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театри жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раиси Қ. Ж. Ҳаққуловга падари бузруквори **Жалил ота ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АББ Ўзбекистон ва АББ гуруҳи консорциуми Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бошқаруви раиси Қ. Ж. Ҳаққуловга отаси **Жалил ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсувқурилиш» Давлат концерни раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққуловга отаси **Жалил ҲАҚҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.